



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 63 (12.124)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Кўргазмалар

ХАЛҚАРО САНОАТ ФОРУМИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ва сифат жиҳатдан такомиллаштириш ҳамда sanoat тармоқларини жадал ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Натижа шунини кўрсатадики, ҳозирда sanoat маҳсулотларини ишлаб чиқариш суръати йилдан йилга ошиб бормоқда.



Шаҳримиздаги муҳташам «Ўзкўргазмасавдо» марказида очилган «Uzbekistan Industrial Forum—2012» III Халқаро sanoat форумида ҳам бу борадаги ютуқларимиз ўз аксини топанлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Бир неча кўргазма лойиҳаларини ўз ичига олган ушбу тадбирда «UzMetalMashExpo—2012» — металлургия, металлургия ишлов бериш ва машинасозлик бўйича учинчи Халқаро иқтисодлаштирилган кўргазмаси, «UzMiningExpo—2012» — тоғ-кон sanoati учун технологиялар ва ускуналар бўйича иккинчи Халқаро иқтисодлаштирилган кўргазмаси, «UzSpectechExpo—2012» — максус техника, жиҳоз ва ускуналар бўйича учинчи Халқаро иқтисодлаштирилган кўргазмаси, «UzChemPlastExpo—2012» — кимё sanoati, пластмас-сала, лаборатория ва таҳлил бўйича биринчи Халқаро иқтисодлаштирилган ҳамда «UzPromStroyExpo—2012» — sanoat қурилиши бўйича биринчи Халқаро иқтисодлаштирилган кўргазмалари кўплаб турдаги материаллари билан муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

«Uzbekistan Industrial Forum — 2012» Республикаимиз sanoatнинг асосий соҳаларини қамраб олиш имконини берувчи Халқаро sanoat форуми бўлиб, мазкур тад-

бирнинг ўтказилиши, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг бутун sanoat мажмуини такомиллаштириш ва модернизациялашга хизмат қилиши билан бир қаторда соҳа мутахассисларига ўз ишини комплекс мувофиқлаштириш ва ишбилармонлик алоқаларини кенгайтиришга ҳам кўмаклашади. Ушбу аниқлаштирилган кўргазма иштирокчилари сони ҳам ўтган йилгига нисбатан 62 фоизга ўсгани ҳамда уларнинг 80 фоизи чет эл компаниялари мутахассислари эканлиги юқоридаги фикримизга далилдир. Чунки, мамлакатимизда яратилган қулай инвестициявий шароит кўплаб хорижий компанияларни ўзига жалб этмоқда. Ўзбекистон sanoatидagi иқтисодий ислохотлар маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришнинг мураккаб турларини ўзлаштиришга йўналтирилган. Металлургия, машинасозлик, кончилик каби соҳалар бўйича кўргазмаларнинг ўтказилиши республикаимизга юқори технологияли ускуналарни жалб этиш, иқтисодиётимизда етакчи ҳисобланган юқорида номлари санаб ўтилган соҳаларда катта-катта ютуқларга эришиш имконини беради. Ўзбекистон металлургия соҳасининг муваффақия-

ятли фаолият юритаётгани мамлакат иқтисодиёти барқарорлигининг муҳим омилли бўлиб, шунингдек, иқтисодиётнинг диверсификациялаш, янги иш ўринлари яратиш, республиканинг олтин-валюта захирасини тўлдиршида катта аҳамиятга эга.

Sanoat форумининг кенгайтирилиши, «UzChemPlastExpo—2012» ва «UzPromStroyExpo—2012» каби янги кўргазма лойиҳаларининг киритилгани мамлакатимиз иқтисодиётида кимё соҳаси улкан аҳамият касб этиши ва sanoat қурилишининг роли ўсиб бораётганини кўрсатади.

Ўзбекистонда ўтказилиши аниқланадиган ушбу Халқаро sanoat форуми Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазирлар вазирлиги, Savdo-sanoat палатаси, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, «Ўзмонтажмаксус-қурилиш» уюшмаси, «Ўзавтйўл» ва «Ўзкимёсаноат» компаниялари, шунингдек, Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси қўмағида «IEG Uzbekistan» компанияси томонидан ташкил этилиб, унда ҳаммаси бўлиб 40 дан зиёд компаниялар қатнашмоқда.

Нигора БОЙХУЖАЕВА
Козим Улмасов олган сурат



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ангрен шаҳрида ўтган йили янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш ҳамда мавжуд корхоналарни кенгайтириш ҳисобига 561 иш ўрни яратилди. Замонавий ҳамда тежамкор технология асосида йигирма хил нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқара бошлаган «Ангрен бизнес инвест» масъулияти чекланган жамияти ҳам 10 дан зиёд маҳаллий ёшларни муқим иш жойлари билан таъминлади. Ҳозир бу ерда кунига 3,5 тоннагача маҳсулот тайёрланиб, 25 та savdo шохобчасига пешма-пеш етказиб берилапти.

● Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда жамоатчилик иштирокига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Унда Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

● Хонобод шаҳридаги «Тополина ин-тер стар» хусусий корхонасида қурилишда кенг қўлланиладиган оҳак тайёрлаш ўзлаштирилди. Шу пайтга қадар ушбу хом ашё шаҳарга қўшни туманлардан келтирилган эди. Йилига 700 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга мазкур лойиҳа рўёби учун 70 миллион сўмлик сармоя йўналтирилди. 10 га яқин иш ўринлари яратилган корхонада дастлабки 175 тонна маҳсулот тайёрланиб, қурилиш ташкилотларига етказиб берилди.


ЖАҲОНДА

● «Хонда» автокорпорацияси авто-мобилда қўшимча электрогенератор базисини бажарувчи тизим яратди. Бундай тизим компаниянинг «FCX Clarity» русумли машиналарига водород ёрдамида ишловчи двигател билан биргаликда ўрнатилди. Янги технология орқали машина двигатели етти соат мобайнида 9 киловатт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга. Бундай қувват билан автомобиль 150 километр масофани босиб ўта олади. Хонда компанияси вакилларининг сўзларига кўра, янги тизим ўрнатилган машиналар 2015 йилда сотувга чиқарилади.

● Кенияда илк нефть қони топилди. «Tullow Oil» Англия-Ирландия қўшма нефть компанияси ушбу «қора олтин» қонини мамлакатнинг шимоли-ғарбидаги Туркана вилояти ҳудудидан аниқлаган. Компания вакиллари айтадики, Кения тарихида биринчи марта нефть қазиб олиш ишлари бошланди. Маълумот ўрнида шунини айтиш жоизки, табиий бойлик ва ресурсларга бой бўлмаган Кения иқтисодиёти шу пайтгача асосан сайёҳликдан келаётган даромад ҳисобидан ривожланиб келмоқда.

● Япониянинг «Фукусима-1» атом электр станциясида радиоактив сувнинг сизиб чиқаётгани аниқланди, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Тозалаш тизимидаги қувурларда пайдо бўлган ёриқ оқибатида 120 тонна кучли радиоактив сув чиқиб, унинг саксон литри очик денгизга бориб қуйилган. Маълумотларга қараганда, иккинчи маротаба содир бўлаётган бундай ҳолат оқибатида айрим сув тўкилган ҳудудларда радиация микдори ошиб кетган. Мутахассислар мазкур муаммони бартараф этиш йўллари изламоқда.

Юртбошимиз раҳнамоллигида шаҳримизда улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Пойтахтимиз том маънода яшариб ва яшнаб, бу ерда истиқомат қилаётган ҳар бир киши қалбига гурур ва ифтихор туйғусини жўш урдирапти. Шу билан бирга, олиб борилаётган улкан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳар биримизга катта масъулият ҳам юклайди.



ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Пойтахтимизда 28 март куни ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Хитой ҳукуматлараро қўмитанинг Savdo-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик бўйича кичик қўмитасининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон ва Хитойнинг ташқи иқтисодий алоқалар, savdo-sanoat, сармоя, иқтисодиёт, нефть-газ, банк-молия, машинасозлик, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, геология, кимё sanoati, ахборот технологиялари, транспорт ва транспорт коммуникациялари, қурилиш, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва savdo вазирлиги, қўмита ҳамраиси Элёр Ганиев Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишларда, жумладан, savdo-иқтисодий ва сармоявий соҳада ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳўқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг апрель ойида Хитой Халқ Республикасига давлат таърифи мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларни янги мазмун билан бойитиб, ҳамкорлик борасидаги мавжуд имкониятларни янада кенгроқ ишга солишда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасида иқтисодий соҳада энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳўжми 2011 йилда 2 миллиард 596 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистонда Хитой сармояси иштирокида тузилган 382 қўшма корхона, ушбу мамлакатнинг 65 компаниясининг валютаҳонаси фаолият кўрсатмоқда.

Музокарада хитойлик меҳмонлар мамлакатимизда давом этаётган кенг қўламли хусусийлаштириш ҳараёни, иқтисодиётнинг ривожлантириш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар самаралари, «Навой» эркин индустриал-иқтисодий зонасида яратилган қулай имкониятлар билан танишдилар.

(Давоми 3-бетда)

ОБОД ШАҲРИМ — ОЗОДА ШАҲРИМ ҳар шанба куни «Озода шаҳрим» шиори остида тозалик куни ўтказилади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг шу йилнинг 16 март куни Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган тарихий нутқида ўртага қўйилган вазифалар, жумладан, пойтахтимизни гўзал ва обод шаҳарга айлантиришга қаратилган давлатлар шаҳримиз аҳлини янада руҳлантириб юборди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутатлари пойтахтда олиб борилаётган улғувор ишларни кенг тарғиб қилиш, шаҳар ҳудудини мунтазам тоза ва озода сақлаш мақсадида йил давомида «Озода шаҳрим» тадбирини ўтказиш таклифи билан қилди ва бу ташаббус шаҳар ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватланди. Бинобарин, 26 март куни Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Тошкент шаҳри ҳудудида «Озода шаҳрим» тадбирини ўтказиш тўғрисида»ги фармойиши қабул қилиниди ва унда амалга ошириладиган аниқ вазифалар белгилаб қўйилди.

Туман ҳокимликларига туман ҳудудида жойлашган давлат ва жамоат ташкилотлари, вазирлик ва идоралар, барча турдаги корхоналар, таълим муассасалари ҳамда тадбиркорлик субъектла-

ри томонидан ўз ҳудудларида ҳар шанба куни «Озода шаҳрим» шиори остида тозалик кунини ўтказишни ташкил этиш масаласи кун тартибига қўйилди.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча турдаги корхона, ташкилот ва идоралар ҳамда фуқаролар ўз ҳудуди ва турар жойи атрофини озода сақлаш, бунинг учун мунтазам тозалаш ишларини олиб бориши лозим.

Озодалик тушунчасига эса бевосита қўчаларни озода ва ораста сақлаш, зарур кўча кўрсаткичларини ўрнатиш, шахсий турар жойларнинг ташқи кўринишини тартибга келтириш, ҳар бир хонадон дарвозасида тартиб рақами ёзиб қўйилган бўлишини таъминлаш, мавжуд даракларга шакл бериш, уларни оқлаш, гуллар, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш ва уларни

парвартиш қилиш, жойларда янги болалар яратиш, панжара ва гаражларни бўяш, кўчалар, ариқлар ва лотокларни озода тутиш, тўпланган қиқиндиларни ўз вақтида олиб чиқиш кетиш каби ишлар кирди.

Шу мақсадда фармойишда фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармаси, «Махсустрас» корхонаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг шаҳар бўлими, шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими кенгаши, Халқ таълими бош бошқармаси, Урта махсус, касб-ҳўнар таълими бошқармаси, Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Ободонлаштириш бошқармаси, Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, шаҳардаги барча олий таълим муассасаларига тегишли вазифалар берилди.

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Шаҳримизнинг янада кўркам бўлиши, кўчаларимизнинг орасталиги, маҳаллаларимизнинг озода ва ободлигига ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз эканлигини унутмайлик, тозалик ва ободонлаштириш ишларида фаол бўлайлик!

лашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Божхона органлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, ягона автоматлаштирил-

ган ахборот тизимлари фаолиятининг соҳада тутган ўрни» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

✓ **БУГУН** «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Марказий Кенгаши томонидан Мустаҳкам оила йили муносабати билан «Маҳаллаларни хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес марказига

айлантириш борасидаги устувор вазифалар, амалга оширилаётган ишлар» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

✓ **ШАҲРИМИЗДАГИ** «Ўзбекистон» спорт мажмуасида ўзбек жанг санъати бўйича ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасидаги мамлакат чемпионати якунланди.

ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** давлат консерваториясида «Санъат гўнчалари» республика кўрик-танловининг ғолиб ва совриндорларини тақдир-

ШАҲРИМИЗ ЯНАДА ГЎЗАЛ ВА ОБОД БЎЛАДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорги Кенгеси, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри кенгашлари йиғилишларидаги ҳар бир чиқиши амалда ўша минтақа ҳаётида муҳим аҳамият касб этади.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, Юртбошимизнинг 1990 йилнинг 20 январидан Тошкент шаҳар фаоллари йиғилишидаги тарихий нутқи, ҳатто, ўша ҳали мустақилликка эришмаган бир пайтимиздаёқ матбуотда «Тошкентни юксак тараққиёт ва маданият шаҳрига айлантиришимиз керак» деган сарлавҳа остида эълон қилинган эди. Бу нутқ матни Ислам Каримовнинг 2011 йили чоп этилган «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобига ҳам киритилган. Президентимиз ўшанда: «Тошкентни юксак маданият шаҳрига айлантиришимиз керак, замонадошларимизгина эмас, фарзандларимиз ва набираларимиз ҳам у билан ҳақли равишда фахрланадиган бўлишлар», – деган эди.

Шуни таъкидлаш лозимки, «Тошкентни юксак тараққиёт ва маданият шаҳрига айлантириш» сиёсати бундан 22 йил аввалги ана шу тарихий нутқдаёқ асосланган ва шундан буён изчил амалга ошириб келинапти. Шу нутқда шаҳарни ривожлантириш, уни гўзал ва обод маконга айлантиришга ҳалал бериб келган айрим хато ва камчиликлар рўйи рост айтилган эди. Куйидаги парчалар шундан далолат беради: «...Ўтмишдаги кўпгина раҳбарларнинг ўзбилармонлиги, пухта ўйлаб иш тутмаслиги, масъулиятсизлиги, уларнинг одамларнинг тақдирига ва ўз халқининг келажагига бефарқлиги оқибатида шаҳарнинг ишлаб чиқариш структурасини шакллантиришда кўпол хатоларга йўл қўйилдики, бу хатолар тобора кўпайиб бораверди»; «Шаҳарнинг коммунал инфраструктураси кўп йиллар мобайнида «қолдиқ» принципи асосида шаклланди»; «Биз халқ билан маслаҳатлашмасдан, кабинетларда тўқиб чиқарилган республика халқ ҳўжалиги территория ва тармоқ бошқаруви схемаларини қатъиян рад этамиз, бу схемалар амалга оширилиб, тараққиётимизга фов бўлди».

Шу таҳлиллар асосида Ўзбекистон раҳбари ўшандаёқ масалани узоқни кўзлаб ҳал этиш позициясини илгари сурган эди «...Бу муаммоларни ҳал этишни нари суриб қўйиш мумкин эмас ва бу муаммоларни чалакам-чатти, ямоқни ямагандек эмас, балки ўн йилликлар, асрларни мўлжаллаб тубдан, асосли тарзда ҳал этиш керак. Пойтахтимизнинг келажаги олдидаги бурч ва масъулиятимиз бизни шунга ундайди».

Ўта ишчанлик ва кучли ватанпарварлик руҳида айрилган бу фикрларни ўша пайтда эшитиш ёки ўқиш бир бошқа эди, орадан 22 йил ўтганидан кейин рўйи кўриш эса кишига тамоман бошқа кайфият ва руҳ бағишлайди. Чунки энди бу дастурий ғояларнинг қандай тарзда ҳаётга табиқ этилгани ва амалга ошириб бораётганига бевосита ғувоҳимиз.

Ҳамма замонлар ва маконларда ҳам пойтахт шаҳар давлатнинг юзи, бутун мамлакат халқининг фахри ҳисобланади. Сабаби – жаҳон аҳли ҳам ҳар бир юртининг умумий даражасини, аввало, пойтахтига қараб белгилайди. Шу нуктаи назардан қараганда, Тошкентимиз мустақиллик йилларида чинакамимиз мустақил давлат пойтахтига лойиқ гўзал қиёфа касб этди ва таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Ростини айтганда, Тошкентда мустақилликдан олдинги йилларда ўқиб кетган бир киши бугун шаҳримизга таширф буюрса, шак-шубҳасиз, уни таниёллик қолади, кўчаларида ва майдонларида адашиб кетиши эса – аниқ. Чунки ўша 1990 йил бошида пойтахтни ривожлантириш бўйича ўртага қўйилган мақсад ва вазифалар амалга ошириб борилиди ва бу эзгу ишлар изчил тарзда давом эттирилди.

16 март куни ўтказилган сессияда бу борада айнан қандай сиёсат олиб борилгани, бевосита нима-лар қилингани, илгари йўл қўйилган қандай хатолар қанча мураккаблик ва қийинчиликлар билан бартараф этилаётгани ҳақида батафсил фикр юритилди. Шу билан бирга, ана шаҳримизни янада обод ва гўзал қиёфага айлантириш билан боғлиқ дастурий йўналишлар ҳам белгилаб берилди.

Нутқда шаҳарни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар комплекс тарзда таҳлил этилди. Кўтарилган ва таҳлил этилган масалаларни, шартли равишда, қуйидагича ифода қилиш мумкин:

- замонавий раҳбар қандай бўлиши кераклиги;
- пойтахт шаҳар қандай бўлиши лозимлиги;
- бугунги Тошкентнинг қиёфаси, мавқеи ва ютуқлари;
- Тошкент – илм-фан, техника ва технологиялар шаҳри экани;
- аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида эришилган ютуқлар;
- қурилиш ва бунёдкорлик соҳасида эришилган ютуқлар;
- Эски шаҳарни тубдан реконструкция қилиш ва ободонлаштириш масаласи;
- йўл қурилиш борасидаги ютуқлар;
- жой номлари масаласи;
- раҳбар кадрлар маънавияти масаласи;
- фуқароларнинг давлат идораларига муносабатлари, шикоят ва аризаларига муносабат масаласи;
- аҳолининг иш билан бандлиги масаласи;
- коммунал соҳада ечимини кутаётган долзарб вазифалар;
- озик-овқат таъминоти масаласи.

Президентимиз таъкидлаганларидек, бугунги кунда Тошкентимиз илму фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳасидаги улкан имкониятлари, чиройи ва бетакрорлиги билан жаҳон жамоатчилиги эътиборини ўзига тортди келяпти, буни пойтахтимизда кўллаб халқро уршув ва саммитлар, форум ва анжуманлар ўтказилаётганидан ҳам билса бўлади.


Тошкентнинг мамлакат иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдаги ҳиссаси ҳам – салмоқли. Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 14 фоиздан ортиғи, саноат маҳсулоти ҳамда ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг 20 фоизи айнан пойтахт улушига тўғри келади. Бу ерда мамлакат жами аҳолисининг 10 фоизга яқини истиқомат қилиши инобатга олинса, бу рақамларнинг аҳамияти янада яққолроқ намоён бўлади.

Тошкентда хусусий бизнес ва тадбиркорлик ҳам жадал ривожланиб борапти. Бу соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 2010 йили 49,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йили бу борада 3,2 фоиз ўсишга эришилди ва айни кўрсаткич 53,1 фоизга етди. Ўтган

лан ҳамкорликда ташкил этган корхонамиз – бу бутунлай янги бир олам. Бу ишлаб чиқариш мажмуасини, албатта, бориб кўриш керак», – дея таъкидлади Юртбошимиз.

Таълим-тарбия соҳасида эришган ютуқларимиз 2012 йилнинг февралда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида ишга туширилган Маърифат марказининг Симпозиумлар саройида таълим ва тараққиёт мавзусида ўтказилган нуфузли халқаро конференцияда жаҳон миқёсида эътироф этилди. Буни давлатимиз раҳбарининг мана бу таъсирчан сўзлари айнан ифодалаб турибди: «Агарки мендан шу даврда амалга оширган энг катта ишларимиз ҳақида ҳисоб беришни сўраса, мен, ҳеч шубҳасиз, юртимизда соғлом ва баркамол авлодни вояғиз етказиш йўлида жамоатчилигимиз, бутун халқимиз билан бирга олиб бораётган улкан ишларимизни фахру гурур билан айтган бўлардим».

Тошкентни экологик жиҳатдан мусоффо бир маконга айлантиришга жиддий киришилган. Илгариги даврда шаҳримиз умумий майдонининг 9 фоизи-



УСТУВОР ВА ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАРИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг шу йилнинг 16 март куни Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида билдирган шаҳримизни ер юзидаги энг гўзал ва обод пойтахтлардан бирига айлантириш ҳақидаги умидбахш фикрлари барча ҳамшаҳарларимиз, шунингдек, бутун халқимизда буюк келажакка комил ишонч билан боқиш ҳиссини кучайтирди. Буни турли соҳа вакилларининг оммавий ахборот воситалари орқали билдираётган фикрларидан ҳам аққол билиш мумкин.

уч йил давомида Тошкент шаҳрида 1 миллиард 500 миллион АҚШ долларидан ортиқ тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди, 35 та инвестиция лойиҳаси бўйича ишлар якунига етказилди. Бу рақамлар замирида катта мазмун ва моҳият муҳасамалиги ёрқин акс этмоқда.

Шаҳримизда амалга оширилаётган бунёдкорлик-ободонлаштириш ишларини кўриб, ҳар қандай киши кувонади. Катта ва Кичик халқа йўли шаҳарда тамоман янги манзара ва қулайлик пайдо қилди. Қанча кўприк ва йўл ўтказгичлар бунёд этилди. «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи, Симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонани ўз бағрига олган «Маърифат маркази», Эски шаҳардаги Ҳазрати Имом мажмуаси, Амир Темури хибони сўнгги икки-уч йилда пойтахтимиз кўрмига янада кўрж қўлди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида пойтахтимизнинг таълим-тарбия соҳасидаги ўрни ҳақида ҳам алоҳида тўхтади. Бу масалада шуни унутмаслигимиз кераки, ривожланаман деган халқ илм-фаннинг жаҳон эришган бугунги ютуқларини ўзлаштириши шарт. Биз талабаларни хориждаги нуфузли олий таълим муассасаларига ўқишга юбориш тажрибасини ҳам қўлладик. Тажрибалар ўзимизда жаҳоннинг нуфузли олий таълим муассасалари филиалларини очиб оқилона йўл эканини кўрсатди. Кейинги йилларда Тошкентда Вестминстер университети, Турин политехника университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Москва давлат университети, Плеханов номидаги Россия иқтисодий университети, Губкин номидаги Россия нефть ва газ университетининг филиаллари очилди, Буюк Британиянинг машҳур Кембриж университети билан тузилган шартнома асосида юксак технологиялар ўқув-тажриба маркази барпо этилди.

Бу ҳаракатлар замирида нима ётибди? Модомики, биз юксак тараққиётга эришишни ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйган эканмиз, бу борада, аввало, юксак малакали етуқ кадрларга эга бўлишимиз керак. Юртбошимиз пойтахтга туташ ҳудудда бутун дунёга машҳур «General Motors» компанияси билан бирга қўллаб-қувватлаш билан, нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиёда ягона бўлган автомобиль двигателлари ишлаб чиқарадиган қўшма корхонада илм-фаннинг сўнгги ютуқлари негизда яратилган, компьютер дастурлари асосида бошқариладиган, энг нозик деталарни ишлаб чиқарадиган мураккаб технологияларни пухта ўзлаштириб олган ёшлар билан уршашгандаги ҳушудлигини эътироф этди. «General Motors» би-

нигина боғ ва хибонлар ташкил этган бўлса, ҳозир бу икки ярим баробардан зиёдроқ кўпайиб, умумий ҳудуднинг 23 фоизини ташкил этадиган бўлди. Бу шаҳарнинг қарийб тўртдан бир қисми қўқалам-зорлаштирилган, деган гап. Шундай қилинаптики, ҳамшаҳарларимиз инсонга бир боргина бериладиган умрини мазмунли ва роҳат-фароғат билан ўтказсин. Шаҳарда кишиларнинг гўзалликлардан баҳра олиши, тоза ҳаводан баҳраманд бўлиши, меҳнат қилганидан кейин мазмунли хордиқ чиқариши учун барча қулайликлар муҳайё бўлсин.

Амир Темури хибонидидаги эски дарахтлар ўрнига йил-ўн икки ой ям-яшил турадиган игна баргли дарахтлар қўчатлари экилаётган кезлари бир отахоннинг, қандайдир хайратланиб турганига ғувоҳ бўлган эдик. Яқинда тасодифан шу ерда ана ўша кишининг невараларини етаклаб юрганини кўриб қолдик. Отахон кутлимганда: «Қаранг, бу майдон қандай чирой очди-я. Соҳибқироннинг нур таратиб турганини қаранг. Атрофдаги иморатлар гўзаллиги ҳам ярқ этиб намоён бўлиб турибди. Халқаро анжуманлар саройи худди бизнинг нималарга қодирлигинини кўз-кўз қилаётгандек. Қуранг олдин битта эди. Энди эгизак бўлиб қолди. Бундаги мутаносибликни айтмайсизми?» – деб қолди...

Шаҳарнинг белбоғи янглиғ ўтган Навоий кўчасида ўйламай-нетмай қурилган савдо растасини эслайлик. Биринчидан, шундай марказда бундай савдо растасининг бўлиши мантиққа зид эди. Иккинчидан, растанинг бир қисми чуқур кўчага қарагани учун амалда одамлар у ёққа тўшмай қўйди. Кўчанинг юзига қараган дўконлар учун у бир омбор бўлиб қолган эди, холос. Навоий кўчасининг катта қисми автоуловлар тўхташ жойига айланб, транспорт ҳаракатига халақит бераётган эди. Бу ерда ҳозир қурилаётган бинонинг биринчи қаватида савдо шохобчалари жойлашадиган, жами 320 хонадонга мўлжалланган 8 та кўпқаватли уй-жой биноси бунёд этиляпти. «Мен сизларга шу уйлари бориб кўришни тавсия қилган бўлардим. Бу янги уй-жойлар энг замонавий лойиҳалар асосида барпо этилмоқда. Бизнинг мақсадимиз, талабимиз шундайки, агар уй-жой қурадиган бўлсак, эски замонадагидек паҳсадан эмас, балки етти пуштимизга етадиган қилиб, ҳар томонлама пухта ўйлаб, 80 – 100 йилга мўлжаллаб қуришимиз керак», – деди давлатимиз раҳбари. Бу мақсад ва талаб мамлакатимизда уй-жой қураётган ҳар бир киши учун шиор бўлиши лозим.

Президентимиз ўз нутқида одамларни рози қилиш масаласини бот-бот кўтарди. Одамларни рози қилиш учун эса жуда кўп ишлаш, меҳнат ва машаққат чекиш лозим ва шарт.

Бу жиҳатдан биринчи галда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмининг 2020 йилгача бўлган даврда ривожлантириш ва ободонлаштириш бўйича яқинда қабул қилинган Фармойишининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш керак.

Мазкур Фармойишда икки муҳим масалани ечишга эътибор қаратилган. Биринчиси шуки, бу ҳудуддаги йўл-транспорт коммуникацияларининг ҳолати, турар жой даҳаларининг ичимлик суви, канализация, иссиқлик ва электр энергияси билан таъминланиш даражасини замон талаблари, шаҳарсозлик ва санитария меъёрларига нечоғли жавоб беришини ҳисобга олиш керак. Иккинчиси – реконструкция ишларини амалга оширишда миллий мейморчиликнинг ўзига хос хусусият ва аъёнларини, халқимиз маданий меросининг тимсоли бўлган, ислом маданияти ва жаҳон тамаддуни раванқига катта ҳисса бўлиб қўшилган тарихий-меморий ёдгорликларни асраб-авайлаш масаласи.

Президентимиз бу дастур лойиҳаси босқичма-босқич ва изчил тарзда амалга оширилишини ўқирди. Бу дастур амалда пойтахтимизни замонавий шаҳарсозлик асосида ривожлантириш ва ободонлаштиришни кўзда тутди. Чунки Тошкент фақат Ўзбекистоннинг пойтахтигина эмас, балки жаҳон шаҳарсозлигининг ҳам бебаҳо бойлиги ҳисобланади. Эски шаҳарда 2200 йиллик тарих яширин. У фақат Ўзбекистоннинггина эмас, бутун жаҳоннинг мулки, қадим Шарқ шаҳарсозлигининг ноёб бойлиги янглиқ қадри қўша. Бинобарин, Юртбошимиз бу ҳақда шундай деди: «Энг муҳими, Тошкентнинг қандай қадимий ва бой ўтмиши борлигини, дунёда 2200 йиллик тарихга эга бўлган шаҳарлар бармоқ билан санарли эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак».

Бу ерда Эски шаҳардаги маҳаллаларни янада обод ва кўркам, замон талабларига мос бўлишига эришишдан иборат эканлиги ҳақида гап кетяпти. Демак, бу ерда ҳам қадимийлик ва миллийлик руҳини сақлаб қолиш, ҳам одамларга замонавий санитария ва коммунал талабларга тўла жавоб берадиган шарт-шароитлар яратиш бериш лозим. Бу эса жуда катта ақл-заковат, меҳнат ва бунёдкорлик талаб қилади.

Шаҳардаги жой номларига муносабат борасида Президент Ислам Каримов билдирган фикр-мулоҳазалар замирида ҳам ана шу миллийлик билан замонавийликни уйғунлаштириш вазифаси турибди. Шўро сиёсатида жойларга кишилар номини бериш биринчи даражали йўналишга айлантирилган. Ном берганда ҳам, асосан, ўша мафкура ва мустамлакачилик мақсадларидан келиб чиқилган. Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида эса ана бир иллат кўзга ташланди. Президентимиз тўғри танқид қилгандек: «Дейлик, кимнингдир боласи амалдор бўлиб қолса, отаси ёки бирон-бир қариндошининг номини кўча ёки мактабга беришга ҳаракат қилган».

Эски шаҳарни замонавийлаштиришда ҳам, жойларга ном қўйишда ҳам халқнинг қадим тарихидан, миллий аъёнларидан келиб чиқиш зарурлиги айtilди. Юртбошимиз бу масалалар етти ўлчаб эмас, етмиш марта ўлчаб бир кесишни талаб этишини алоҳида таъкидлади.

Нутқда шаҳримизда йўл қўйилаётган айрим камчиликлар ҳам ошкор этилди. Баъзи соҳалардаги вазият статистик маълумотлар асосида таҳлил қилиб берилди. Масалан, 8 минг 244 кўпқаватли уй-жойнинг 1 минг 252 таси қишга яхши тайёрланмаган. 2 та йирик корхона томонидан аҳолига иссиқлик энергияси етказиб беришда узилишлар вужудга келган. 1991 йилгача қурилган 300 дан ортиқ кўпқаватли уйда капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилмаган.

Ўтган кишининг қаттиқ келиши ва қўзилиб кетгани келаётган ёз мавсумида мазкур соҳада катта ишлар амалга оширилиши лозимлигини кўрсатади. Чунки бизда инсон ва унинг манфаатлари энг олий қадрият экани амалда, бевосита одамлар ҳаётида ўз ифодасини топиши лозим. Инсон уйида совқотса, томидан чакка ўтса, иссиқ сувдан қийналса, унинг ҳаётга, жамиятга, ишга муносабати сусаяди, кўнгли ёришмайди. Энг ёмони, бундай киши ишончини йўқотади.

Диққат қилинса, нутқда шаҳримиз ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётининг амалда барча соҳаларига дахлдор асосий йўналишлар белгилаб берилди. Ҳар бир соҳа вакили ундан ўзига тегишли ҳулоса чиқариб олиши учун етарли асослар бор. Энди ҳамма гап шу вазифаларни сидқидилдан бажаришда қолган.

Ҳар бир авлод кишилари ўз даври ва келажақ учун яратиш ишқи билан яшайди. Инсон ақл-заковати ва меҳнат-машаққати билан яратилган ҳар қандай нарса исзис қетмайди. **Шаҳар бир кунда бунёд этилмайди, деган машҳур ҳикматнинг туб моҳиятида айнан шу фикр ётади. Бинобарин, Юртбошимиз таъкидлаганидек: «Бугунги шиддатли ҳаёт эртага йўлимизда пайдо бўлиши мумкин бўлган муаммо ва таҳдидларга тайёр бўлиб, уларнинг ечимини доимо ўйлаб яшашни талаб қилади».**

Шундай экан, барчамиз буюк Ватанимиз, унинг пойтахти азим шаҳримизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги дастурий вазифаларни бажариш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканлигини унутмайлик.

Олим МАҲМУДОВ

Инсон ва қонун

2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2011 йил 9 февралдаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини қўлайтириш тўғрисида»ги 87-сонли буйруғи талабларидан келиб чиқадиган тадбирлар ижросини таъминлаш юзасидан туман прокуратураси томонидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб олиниб, назорат-тектирив ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мансабдор шахсларининг масъулиятини ошириб, улар томонидан микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари ҳамда бошқа тадбиркорлик субъектларини текширишни тайинлаш ва уни ўтказиш борасидаги фаолияти устидан қатъий назорат ўрнатилди.

Туман прокуратураси томонидан маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари қабул қилаётган ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганиб борилиб, бунда айниқса, тадбиркорларнинг иқтисодий эркинлигини чеklang билан боғлиқ ҳужжатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бундан ташқари, туманнинг барча назорат-тектирив идоралари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш натижаларига кўра қўлланган ҳуқуқий таъсир чоралари ва молиявий санкцияларнинг қонунийлиги ҳам мунтазам ўрганиб борилаётган.

Ишонч телефонларининг узлуксиз ишлаши таъминланди, уларга келиб тушаётган тадбиркорлар мурожаатларининг алоҳида ҳисоби юритилмоқда. Бугунги кун ҳолатига кўра, туман прокуратурасининг 271-52-00 рақамли ишонч телефони тадбиркорлик субъектларидан уларнинг фаолияти билан боғлиқ бир неча мурожаатлар келиб тушган ва уларнинг барчаси ҳал этилган.

Жумладан, хусусий тадбиркор С. Жалолов «Ўзсаноатқурилишбанк» Ал-Хоразмий

филиалидан тадбиркорлик фаолияти учун кредит маблағи олиш борасида ёрдам сўраб мурожаат қилган бўлиб, туман прокуратурасининг аралашуви билан унга кредит маблағи ажратилди.

Бундан ташқари, хусусий тадбиркор М. Долиев «Ўзсаноатқурилишбанк» Учтепа филиалидан қандай тарзда терминал аппаратурини олиш мумкинлиги юзасидан мурожаат қилган ва туман прокуратурасининг аралашуви билан унга шартнома асосида терминал аппаратури берилган.

Туман ҳудудидаги «Фарход деҳқон бозори» ОАЖ радиоузели орқали Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган «Тадбиркорлик субъект-

Шу билан бирга, 2011 йил давомида туман прокуратураси ходимлари томонидан, туман ДСИ бошлиги, туман СВ О Ж Ж Д Л К К бўлими бошлиги, ДСЭНМ бош шифокори, туман ИИБ ЕХБ бошлиги, банк бошқарувчилари ва бошқа мутасадди идоралар раҳбарлари иштирокида тумандаги 1135 дан ортиқ кичик ва ўрта бизнес вакиллари би-



Тадбиркорлик – прокуратура ҳимоясида

АМАЛИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛМОҚДА

ларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг мазмун-моҳияти мунтазам равишда тушунтириб борилаётган. 2011 йил давомида бундай тарғибот тадбирлари сони 41 тани ташкил қилган.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунларнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш ҳамда тадбиркорлар билан прокурорларнинг бевосита учрашувлари орқали мулоқотларни мунтазам равишда амалга оширишни таъминлаш мақсадида туман прокуратурасида алоҳида хона ажратилиб, ушбу хонада керакли адабиётлар тўплами жамланган ҳамда ундан амалда фойдаланиб келинмоқда.

лар жами 26 та учрашувлар ўтказилди. Учрашувлар жараёнида тадбиркорларга Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган Фармонлари ва қарорлари моҳияти тушунтирилди, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига оқоқонуний аралашувларнинг олдини олиш учун, тадбиркорлар аввало бу ҳақда мутасадди идораларга зудлик билан хабар беришлари, бунда ишонч телефонлари имкониятларидан кенг фойдаланиши аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Учрашувлар якунида 224 дан ортиқ тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Банклар томонидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ва уни кенгайтириш учун кредитлар ажратилиши, тадбиркорларнинг инвестиция дастурларига кирган лойиҳалар бўйича ўтказиладиган тендер ва талловларда иштирок этишлари юзасидан доимий мониторинг ўтказиб келинмоқда.

Жумладан, муқаддам тадбиркорлар билан ўтказилган учрашувлар натижаси бўйича туман ҳудудида фаолият юритаётган «Парвоз принт инвест» МЧЖга 17 млн. сўм, «Азия Принт Сервис» МЧЖга 262,4 млн., «Лобар Баки» МЧЖга 150 млн. сўм, «Муҳиддин» ХКга 8,4 млн. сўм миқдоридagi кредит тумандаги ЎзСҚБ Ал-Хоразмий филиалидан ажратилган, бунинг натижасида янги ишчи ўринлари яратилиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, ЎзСҚБ Ал-Хоразмий филиалидан ҳозирги кунда «Анвар таом» МЧЖга 200 млн. сўм, «Осман пласт» МЧЖга 80 млн. сўм қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ажратилган.

Учтепа туман прокуратураси томонидан туман ҳокимлиги ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва эркин фаолият кўрсатишлари учун бундан буён ҳам амалий ёрдамлар кўрсатиб борилади.

Х. АБДУЛЛАЕВ,
Учтепа туман прокурори вазифасини бажарувчи, адлия кичик маслаҳатчиси

ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Бугунги анжуман давлатларимиз раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар ижросини таъминлаш юзасидан музокаралар олиб бориш учун яна бир яхши имконият бўлди, – деди Хитой Халқ Республикаси тижорат вазирининг ўринбосари, кўмига ҳамраиси Цзян Яопин. – Хитой Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор билан қарайди. Ўзаро дўстона алоқалар мамлакатларимиз ҳамкорлигини изчил равақ топтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётди. Хитой Ўзбекистоннинг савдо шериклари орасида етакчи ўринда туради, шунингдек, мамлакатингизнинг йirik сармоявий ҳамкорларидандир. Сўнгги йилларда ҳамкорлик қамрови янада кенгаймоқда. Жумладан, нефть-газ ва геология-кидирув йўналишларидаги алоқалар фойдаланмоқда. Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий муносабатларни янада тараққий эттиришдан манфаатдоримиз ва бу алоқаларни янада юқори босқичга олиб чиқиш ниятида-миз.

Музокарада икки мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ва имкониятлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Ўзаро ҳамкорликда қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, сармоявий, молиявий ва техникавий ҳамкорликка, тадбиркорлик субъектларининг бевосита алоқаларини рағбатлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЕНГИЛ ТАКСИДА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Енгил таксида йўловчи ташиш фаолияти билан қонуний шуғулланиш истагидаги тадбиркорларни «Тошшаҳар-трансхизмат» уюшмаси тизимидаги ихтисослашган такси саройларига ишга тақлиф этамиз.

Такси саройларида автомобилларни техник назоратдан ўтказиш жойлари, таъмирлаш устaxonалари, ювиш ва сақлаш жойлари, йўналишга чиқишдан олдин тиббий кўрик, нозимлик хизматлари ташкил этилганлиги билан бирга, енгил автомобилларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 139-сонли қарори талаблари асосида жиҳозлаш борасида барча имкониятлар мавжуд.

Ўзингизни қизиқтирган саволлар бўйича куйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:

- «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси тел.: 233-51-47
- «Тошавтobустрaнc» АК тел.: 234-90-36
- «Чукурсой» автокорхонаси» МЧЖ тел.: 248-05-56
- «Интер-транс-сервис» ҚК ОАЖ тел.: 272-89-47, 272-68-52
- «Махсус тажриба автокорхонаси» МЧЖ тел.: 290-70-17
- «Тўртинчи автохизмат» МЧЖ тел.: 263-38-80
- «5-такси саройи» МЧЖ тел.: 280-60-54

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси томонидан 1993 йил 22 мартда Тошкент вилояти педагогика билим юрти номига берилган ОКПО 15198195 рақамли, (ИНН 201678978) йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

М.Турсунхўжаева номли тиббиёт билим юрти томонидан 1996 йилда Шорабаева Гаухар Хамзаевна номига берилган 5460 рўйхат рақамли, 120039 сонли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

М.Турсунхўжаева номли тиббиёт билим юрти томонидан 1995 йилда Талипова (Мирсаидова) Дилдора Равшановна номига берилган 4875 рўйхат рақамли, 054092 сонли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Мамлакатимизда босқичма-босқич амалга ошириб борилган ислохотлар, қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар самараси ўлароқ бугунги кунда прокуратура органларининг давлат ва жамият ҳаётидаги тугган ўрни ва ишончлилиги янада ошди. Бу кузатишларни бевосита ҳарбий прокуратура органлари фаолияти билан ҳам боғлаш мумкин.

Бугунги кунда дунё ҳамжамиятида ўз муносиватига эга бўлган мамлакатимизда истиқлолнинг илк йиллариданоқ давлатни бошқариш ва кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида кўплаб қонунлар, қарорлар қабул қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси зиммасига юклатилган асосий вазифалар хусусида сўз юритилганда «Ҳарбий прокуратура тўғрисида»ги Низом ва бошқа қонунларга мувофиқ бир қанча вазифалар юклатилганлиги айтиб ўтиш лозим. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг фаолияти билан бевосита боғлиқ жиҳатларни олиб қаралганда шунини айтиб ўтиш мумкинки, бошқарув органлари, ҳарбий қисмлар, корхона, ташкилот, муассасалар, ўқув юртлари, ҳарбий мансабдор шахслар ва ҳарбий хизматчилар ҳамда ҳарбий йиғинларга қақирилган ҳарбий хизматтага мажбурлар, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг ҳарбийлаштирган таркибий бўлинмалари томонидан қонунларга риоя этилиши устидан назорат олиб бориш, Қуролли Кучларга оид қонунларнинг ижро этилишининг таъ-

минланишига аҳамият қаратиш ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш кабилар бунга мисол бўла олади.

Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари тизимида умумий назорат қилиш ҳам юқори ўрин тутди. Фуқаролик жамиятида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлаш вазифаси умумхалқ аҳамиятга эга. Умумий назорат доираси давлат бошқаруви ва хўжалик юритишининг барча соҳаларини қамраб олади. Қонунбузилиши ҳолатларининг олдини олиш ва қонунийликни мустаҳкамлаш, Қуролли Кучлар тизимида амалга оширилаётган ишларни назорат қилиш билан бирга аҳоли ўртасида бу борада ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ҳам жиҳатликда иштирок этиш, тарғибот-ташвиқот ишларини биргаликда амалга ошириш келгусида ушбу органлар фаолиятининг янада мустаҳкамланишига замин яратди.

Бобур САХАДДИНОВ,
Тошкент ҳарбий округи ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси, адлия капитани

Мамлакатимиз иқтисодиётида юз бераётган ижобий ўзгаришлар тадбиркорлик ва бошқа соҳаларда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, тадбиркорлик субъектларининг молиявий шавобгарлигини либераллаштириш ҳамда монополияга қарши қонунчиликни такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқаруви ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси ҳамкорлигида ана шу ва бошқа масалаларга бағишланган «Мамлакатда рақобат сиёсатининг устувор йўналишлари ва «Рақобат тўғрисида»ги Қонуннинг моҳияти» мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди. Унда давлат бошқаруви органлари, давлат муассасалари ва ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, шунингдек, ОАВ ходимлари иштирок этди.

Амалий семинарнинг кўмита раиси А.Химматов олиб борди. Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Ф. Язиев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли-

СОҒЛОМ РАҚОБАТ ШАРТЛАРИ

ларни сотиб олиш бўйича мурожаатларнинг деярли икки баробар қисқаришига ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳам молиявий, ҳам меҳнат ресурсларини иқтисод қилишга имкон бериши, шу билан бирга истиқболли инвесторларга қўшимча энгилликлар яратиши таъкидланди.

Бундан ташқари, тадбир қатнашчилари савдо-сотик жараёнларида ошкоралик, очиклик, соғлом рақобат муҳитини таъминлаш мақсадида бир қанча тақлифларни ўртага ташлашди.

Амалий семинар сўнггида Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси ҳамда кўмитанинг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқаруви масъул ходимлари йиғилиш иштирокчилари ва ОАВ вакиллари қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Отабек ОТАЕРОВ

Сўранг, жавоб берамиз

Акам кўчада йиқилиб, жиддий шикастланди. Шу сабабли маълум вақт мобайнида ишлаб олмайди. Унинг оилавий шароити ҳисобга олиниб, нафақа белгилашни мумкинми?

Ш. ТУРДИЕВА,
Бектемир тумани Мувофиқ турмуш шароитларида касал, меҳнат жараёнида майиб бўлган ёки бошқа вазиyтда шикастланганда, бетоб бўлиб қолган оила аъзосини парвартириш қилганда ишловчи ходимга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланади.

Меҳнат жараёнида майиб бўлган ёки касб касаллигига чалинганда қобилиятсизлик нафақаси иш ҳақининг тўлиқ миқдориди тўланади. Бошқа ҳолларда эса ходимнинг Давлат ижтимоий сугуртаси бадалларини тўлаган муддатига, умумий иш стажига ҳамда қарамоғидаги вояга етмаган болаларининг сонига қараб, иш ҳақининг 60 фоизидан 100 фоизигача миқдорда тўланиши белгиланган.

Саодат АБДУЖАЛОЛОВА,
Носиржон АЛИАХУНОВ,
Шайхонтоҳур тумани 8-сонли давлат нотариал идораси нотариуслари

Жияним ёшлигидан ногирон, ўғлини ёнидан узоқлаштирмай ўқитиши учун опам қаерга мурожаат қилса бўлади? Шу тўғрида тушунча берсангиз.

Н. ЖАМОЛОВ,
Миробод тумани

«Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг 22-23 моддаларига мувофиқ, болалар учун махсус мактаб, мактабгача таълим муассасаси ва махсус мактаб-интернатлар ташкил этилган.

Шунингдек, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 29-моддасига асосан:

Имконияти чекланган ногирон болаларнинг ота-оналари хоҳишига кўра, тиббий психолог-педагог комиссиялар тавсиялари асосида умумий ёки махсус таълим муассасаларини танлаш ҳуқуқига эга. Ота ёки она фарзандини ўқитиш мақсадида ўзи яшаб турган ҳудуддаги тиббий психолог-педагог комиссияга мурожаат этиши мумкин.

Озода ЗУННУНОВА,
Юнусобод туманидаги 10-сонли давлат нотариал идораси нотариуси

Мен вафот этиб кетган қариндошимнинг ўйида 20 йилдан буён яшаб келаман. Қариндошимнинг меросхўрлари йўқ, шу сабаб ўзини ҳеч кимга мерос қилиб қолдирмаган. Йиллар давомида унга қараб келганим учун уйга қонунан эгаллик қилишим мумкинми?

С. КАҲХОРОВ,
Чилонзор тумани

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 187-моддасига мувофиқ:

Мулдор бўлмағи туриб, кўчмас мулкка ўн беш йил ва бошқа кўринишдаги мол-мулкка нисбатан эса беш йил давомида узлуксиз ҳалол муносабатда бўлган шахс мазкур мол-мулкка эгаллик қилишга ҳақлидир.

Эгаллик қилиш муддатини вақт қилиб келтирадиган шахс ўзи ҳуқуқий вориси бўлган шахснинг бу мол-мулкка эгаллик қилиб келган барча вақтини ўзининг эгаллик қилиш вақтига қўйиши мумкин.

Фирюза МУСАЕВА,
Яккасарой туманидаги 4-сонли давлат нотариал идораси нотариуси

Фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш қандай ҳолатларда узайтирилиши ва бу муддат қанчагача давом этиши мумкин?

К. БЕКЗОДОВ,
Ҳамза тумани:

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунинг 18-моддасига асосан:

Фуқароларнинг тақлифлари у тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб қиладиган тақлифлар бундан мустасно ва бу ҳақда тақлиф киритган шахсга ўн кунлик муддат ичда маълум қилинади.

Ариза ёки шикоятлар масалани моҳиятан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига тушган кундан эътиборан, бир ойгача бўлган муддат ичда, қўшимча ўрганиш ва текширишни талаб этмайдиган ариза ва шикоятлар эса ўн беш кундан кечиктирмай кўриб чиқилади.

Фарида ЖЎРАБОВЕВА,
Олмазор туманидаги 10-сонли давлат нотариал идораси нотариуси

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунинг 18-моддасига асосан:

Фуқароларнинг тақлифлари у тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб қиладиган тақлифлар бундан мустасно ва бу ҳақда тақлиф киритган шахсга ўн кунлик муддат ичда маълум қилинади.

Ариза ёки шикоятлар масалани моҳиятан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига тушган кундан эътиборан, бир ойгача бўлган муддат ичда, қўшимча ўрганиш ва текширишни талаб этмайдиган ариза ва шикоятлар эса ўн беш кундан кечиктирмай кўриб чиқилади.

Фарида ЖЎРАБОВЕВА,
Олмазор туманидаги 10-сонли давлат нотариал идораси нотариуси

Спорт янгиликлари



ЁШ САМБОЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

Шаҳримиздаги «Динамо» спорт мажмуасида 1997 йилда туғилган ва ундан ёш бўлган ўсмирлар ўртасида самбо бўйича шаҳар биринчилиги баҳслари бўлиб ўтди. Унда 12 та жамоа умумжамоа ҳисобида галаба қозониш учун ўзаро куч синашди.

Биринчилик давомида мухлислар турли вазн тоифаларида кўплаб қизиқарли беллашувларнинг шохиди бўлишди. Жумладан, 55 килограммгача бўлган вазнда иштирок этган Евгений Турапов чиройли техник маҳорат кўрсатиб, ўз рақибларини тезкорлик билан кетма-кет мағлуб этган ҳолда ҳурмат шохуспасининг энг юқори поғонасидан жой олди. Шунингдек, 26 килограммликлар ўртасида Бахтиёр Исомбеков, 29 килограммгача самбочилар ўртасида Олимхон Султонхўжаев ва 45 килограммдан ортиқ спортчилар баҳсида Евгений Шербаковлар ҳам катта маҳорат кўрсатиб, шаҳар чемпионлари бўлишди.

Умумжамоа ҳисобида эса галаба «Чара-спорт» клубига насиб этди. Жамоалар ўртасида иккинчи ўринни «ТТЗ» спортчилари, фахрли учинчи ўринни эса «Жар» спорт жамоаси эгаллашди. Ҳамма қилганларга дипломлар ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ СУРАТДА: мусобақадан лавҳа Алексей Попов олган сурат

Вьетнам пойтахти Ханой шаҳрида «Лондон — 2012» йўлланмаси учун ўтказилаётган саралаш турнирининг 4-босқич мусобақаларига старт берилди.

ОЛИМПИАЧЛАРИМИЗНИНГ МУҲИМ ГАЛАБАСИ

Унда 3-босқич баҳсларида ўз гуруҳларида иккинчи ўринни қўлга киритган Ўзбекистон, Сурия, Уммон олимпия терма жамоалари футболчилари иштирок этишмоқда.

Дастлаб Уммон — Сурия олимпия терма жамоалари ўртасида учрашув ўтказилди. Тенг курашлар остида кечган ўйинда 1:1 ҳисоби қайд этилди.

Вадим Абрамов бош мураббийлигидаги олимпиячиларимиз Ханойдаги биринчи учрашувларини сурияликларга қарши ўтказишди. Биринчи бўлим бошида ҳар икки томон ҳам эҳтиёткор ҳаракат қилди.

Аммо 15-дақиқада химоячиларимиз хатосидан унумли фойдаланган Шахин Акбар Тўраев кўриқлаётган дарвозани аниқ нишонга олди. Ушбу голдан кейин олимпиячиларимиз устунликни қўлдан бермаган ҳолда рақиб дарвозаси томон кўп марта ҳужумлар уюштиришди. Иккинчи бўлимнинг ўрталаридагина Кенжа Тўраев жамоадошлари бошлаган ҳужумни самарали яқунлаб ҳисобни тенглаштирди 1:1. Ўйин яқунлашишига 1 дақиқа қолганда Зотеев яна сурияликлар дарвозабонини хато қилишга мажбур этди ва дарвозага гол киритди ҳамда

олимпия терма жамоамизнинг 2:1 ҳисобида галаба қозонишига катта ҳисса қўшди. Саралаш турнирининг тўртинчи босқичи доирасида ўтказилган иккита беллашувдан кейин ҳозир Ўзбекистон олимпия терма жамоаси уч очко билан биринчи ўринга кўтарилиб олди. Энди Уммон олимпия терма жамоаси билан кечадиган сўнгги баҳсда Вадим Абрамов шогирдларига дуранг натижа ҳам кифоя қилади. Биз кўп минг сонли мухлислар номидан олимпиячиларимизга сўнгги беллашувда ҳам омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

ЖАНГОВАР ДУРАНГ

Мамлакат XXI миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари иккинчи тур баҳсларини яқунлашди.

Қизиги, чемпионат эндигина бошланганига қарамай учрашувларда қутилмаган натижалар қайд этилмоқда. Ўз майдонида «Олмалик» жамоаси билан 0:0 ҳисобидаги нурсиз дурангни қайд этиб муҳим очколардан «Пахтакор» маҳрум бўлган бўлса, Зарафшонда «Қизилқум» жамоаси меҳмони бўлган амалдаги чемпион «Бунёдор» ҳам зарур икки очкони бой берди. Чунки шиддатли курашларга бой, муросасиз кечган баҳс 2:2 ҳисобида яқунланди. «Бунёдор»дан голларни дарвозага Солиев ва Пардаев йўллашди.

Мамлакат XXI миллий чемпионатининг 3-тур беллашувлари 7,8, 9 апрель кунлари бўлиб ўтади.

Акбар Йўлдошев

«Мустақкам оила йили» ҳамда Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан Пойтахт бизнес марказида «Мустақкам оила — жамият таянчи» шiori остида спортнинг шахмат тури бўйича ўтказиб келинаётган мусобақаларнинг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда туманлараро голиб деб топилган тўққизта оилавий жамоа ўзаро беллашди.

ОИЛАВИЙ ШАХМАТ МУСОБАҚАЛАРИ

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви, Тошкент шаҳар Шахмат федерацияси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилган мусобақаларнинг маҳалла ва туман босқичларида жами 250 та оилавий жамоалар иштирок этганди. Ана шу мусобақаларда яхши натижаларни қўлга киритган оилалар мусобақанинг якуний босқичида ҳам кескин ва муросасиз баҳс олиб боришди.

Ота-она ва фарзандлардан иборат оилавий жамоалар иштирокидаги баҳсларда Шайхонтоҳур туманида истиқомат қилувчи Зиёддиновлар оиласи 1-ўринга лойиқ деб топилди. 2-ўрин Сергели туманидан Синдаровлар оиласига насиб этган бўлса, Бектемир туманидан ташриф буюрган Раҳимовлар оиласи 3-ўрин билан кифояланди. — Бугун мен учун жуда қувончли кун бўлди, — дейди Хафиза опа Синдарова. — Бугунги мусобақада ўғлим Жавоҳир билан оилавий баҳсларда 2-ўринни қўлга киритдик. Қолаверса, яна бир ўғлим

Ислом ҳам мусобақанинг энг ёш иштирокчиси номинацияси бўйича мукофот билан тақдирланди. Фарзандларимнинг бу натижаларга эришишида катта ҳисса қўшган уларнинг устози Сабоҳат Низомидиновага миннатдорчилик билдираман.

Бундай мусобақалар кишини қадимдан ақл-идрок ўйини саналган шахматни маънавиятимизнинг бир бўлаги сифатида эъозлаш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг мантиқий фикрлаш даражасини ўстириш, хусусан, вояга етмаган ёшларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этиш ва спорт мусобақаларига оммавий равишда жалб этишга ундайди. Агар оилалар ўртасида спортнинг бошқа турлари бўйича ҳам мусобақалар тез-тез ўтказилиб турилса, ҳеч шубҳа йўқки, бирдан, ҳамжиҳат оилалар сони кундан-кун ортиб боради. Қолаверса, оилаларда соғлом турмуш тарзи қарор топади.

Мусобақа якунида голибларга «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Одилбек ОБИДОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Respublika Mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичида-босқич охиригача тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Хамза тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар «Шаркли Мелиса» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари кўйилмоқда: 1. «Нексия» русумли, д/р 01G635DA бўлган, 2009 йил и/ч техник ҳолати носоз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 20 691 906 сўм. 2. «Нексия» русумли, д/р 01N4482FA бўлган, 2010 йил и/ч техник ҳолати носоз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 20 200 000 сўм. 3. «Нексия» русумли, д/р 01V447DA бўлган, 2009 йил и/ч техник ҳолати носоз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 19 632 046 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 8 май куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охиригача мuddати: 2012 йил 24 апрель куни соат 18:00. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан тегишли суд ишчилик вакили иштирокида бевоСИТА жойига чиқиб танишиш мумкин.

Шунингдек, 2012 йил 24 апрель куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказиладиган аукцион савдосига такроран Тошкент шаҳар Учтепа тумани СИБ томонидан, Тошкент шаҳар «Шаркли Мелиса» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари кўйилмоқда: 1. «Нексия» русумли, д/р 01G635DA бўлган, 2009 йил и/ч техник ҳолати носоз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 20 691 906 сўм. 2. «Нексия» русумли, д/р 01N4482FA бўлган, 2010 йил и/ч техник ҳолати носоз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 20 200 000 сўм. 3. «Нексия» русумли, д/р 01V447DA бўлган, 2009 йил и/ч техник ҳолати носоз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 19 632 046 сўм.

мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатлат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Respublika Mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52.

Мулкдорлар диққатига! Сиз учун имконият. «Respublika Mulk markazi» ЁАЖ Сизларга кўчмас мулк ҳисобланмайдиган барча турдаги мулкларни, хусусан, ҳужалик иритувчи субъектлар устас фондидидаги улушлар, автототранспорт ва бошқа техник воситаларни оммавий савдога чиқаришда маслаҳат-консалтинг хизматларини кўрсатади ҳамда савдоларни қонуний ва сифатли ташкиллаштиришда амалий ёрдам беради.

Кўрсатилаётган хизматлар «Respublika Mulk markazi» ЁАЖнинг кўп йиллик тажрибага эга, малакали мутахассислари томонидан амалга оширилади. «Respublika Mulk markazi» ЁАЖ Сизнинг энг ишончли ҳамкорингиз бўлишини кафолатлаймиз.

«Respublika Mulk markazi» ЁАЖ Сизнинг энг ишончли ҳамкорингиз бўлишини кафолатлаймиз.

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичида-босқич охиригача тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

I. Савдога Тошкент шаҳар Миробод тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари тақдир қўйилмоқда: 1. 14.11.2011 й. № 23160/21-сонли ижро ҳужжати асосан 1987 й. «Москвич-2125», д/р. 01 P 268 EA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 470 160 сўм. 2. 20.07.2011 й. № 12073/21-сонли ижро ҳужжати асосан 2007 й. «Матиз МХ», д/р. 30 Y 7449 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 8 629 200 сўм. 3. 17.10.2011 й. № 20052/21-сонли ижро ҳужжати асосан 2000 й. «Матиз», д/р. 01 N 486 DA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 7 750 309 сўм. 4. 28.10.2011 й. № 21248/21-сонли ижро ҳужжати асосан 2010 й. «Матиз», д/р. 01 791 VAA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 13 034 025 сўм. Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситалари Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 17 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. II. Савдога Тошкент вилоят, Тошкент тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда: 1. № 2384-сонли ижро ҳужжати асосан 1999 й. «Дамас», д/р. 15 Z 2347 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 8 900 000 сўм. Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситаси Тошкент вилоят, Зангиота тумани «Матлубот Савдо» МЧЖ оморборонасида сақланмоқда. Савдога Тошкент вилоят, Зангиота тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 2. № 856/11-сонли ижро ҳужжати асосан 1973 й. «Ваз-2106», д/р.сиз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 620 000 сўм. Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситаси Тошкент вилоят, Зангиота тумани «Саидмур Абдуллаев» МЧЖ оморборонасида сақланмоқда. 3. № 9/18-сонли ижро ҳужжати асосан

1998 й. «Дамас», д/р. 12 I 7827 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 7 074 339 сўм. 4. № 6670/9-сонли ижро ҳужжати асосан 1980 й. «ГБАСПЗИЛ-131», д/р. 11 V 2433 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 784 697 сўм. 5. № 6671/9-сонли ижро ҳужжати асосан «ГБАСПЗИЛ-131», д/р.сиз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 058 827 сўм. Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситалари Тошкент вилоят, Зангиота тумани «Бурхон-Савдо» МЧЖ оморборонасида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 01 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2012 йил 01 май куни савдога сотилмаган тақдирда, мажбурий қилиништириш юзасидан тақдир қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 22 май куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевоСИТА жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган закатлат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатлат пулини «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИНИНГ АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 1048 8730 5002, МФО: 00425, ИНН: 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Тел.: 266-80-76.



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

ШАРҚ ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАРИ

Дард ичдан емиради. * * *

Тирик одам ташвишсиз бўлмас. * * *

Текин нарсанинг харидори кўп бўлади. * * *

Узоқ яшашдан мақсад кўпроқ яхши иш қилиш бўлиши керак. * * *

Бахтини йўқотган ахтариб тополмайди. * * *

Нодон ўз илдишига болта уради. * * *

Ҳаёт ҳамиша музаффар. * * *

Миннатли яхшилик ёмонликдан баттар. * * *

Қаҳру нафрат кўзингни кўр қилиб қўяди. * * *

Бу дунёда доимо ишонч ва қатъият билан яшаш керак. * * *

Дунёда нодондан кучли душман йўқ. * * *

Кимнинг қўли гул, кимнинг кўнгли. * * *

Бировдан эмас, феълингдан ноли. * * *

Илк таассуротни ўзгартириш қийин. * * *

Кечангни унутсанг ҳам, эртангни унутма. * * *

Ҳақ бўзнинг мақоми ҳамиша баланд бўлади. * * *

Ёлгон бамисоли кийимга қўнган чанг — бир қоқсанг учиб кетади. * * *

Улоқ ҳамиша ҳам лойиқ кишида кетавермайди. * * *

Кимга тили душман, кимга дили. * * *

Муттаҳамнинг муваффақияти муваққат. * * *

Курашиб енгилган мағлуб эмас. * * *

Қаноатсиз — саодатсиз. * * *

Сен одамларни билмасан ҳам, одамлар сени билишди. * * *

Инсоннинг табиати тақдирини белгилайди. * * *

Вақтдан азизи йўқ, бахтдан лазизи. * * *

Шошилганда кўп хато қиласан. * * *

Тириклик қадрини ўлган тўшагида ётганда сўра. * * *

Ҳамияти йўққа аҳамияти йўқ. (Давоми бор) Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Тошкент Оқшоми Манзилмиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 ТЕЛЕФОНЛАР: Ёзлонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39 2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади Нашр кўрсаткичи — 563 Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 11752 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2 Нашр учун масъул Д. Исроилов «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ Набр учун масъул Д. Исроилов Босишга топширилди: 15.20 Топшириш вақти: 13.00